# Шартнома № 15/2022

**(Смета хужжатларини бажаришга доир)**

**Андижон шахар** 2022 йил «7» июль

**Андижон вилоят мактабгача таълим бошкармаси бошлиги Азимов А.** бир томондан кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** - деб юритилувчи **«MEGA PROM LOYIHA» МЧЖ** номидан корхона Низоми асосида иш юритувчи директори **Ибрагимов З.** иккинчи томондан кейинги ўринларда **«Бажарувчи »** деб юритилувчи, қуйидаги шартномани туздилар.

## I. Шартнома мазмуни

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуйидаги бино ва иншоотларни қурилиш ишларига ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

1.2. **Бино ва иншоот номи:**

**Андижон вилоят мактабгача таълим бошқармасининг ер тўла қисмини жорий таъмирлаш учун лойиҳа смета тайёрлаш.**

2.Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартноманинг баҳоси

2.1. Шартноманинг умумий қиймати **2 890 000 (Икки миллион саккиз юз тўқсон минг) сўмни** ташкил этади.

2.2. Қўшимча ишлар пайдо булганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қўшимча келишув тузилади.

## III. Тўлов шартлари.

3.1. Буюртмачи ва Бажарувчи ўзъаро шартномани имзолагандан сўнг буюртмачи 10 кун ичида 30 фоиз миқдорида бўнак (аванс), **бу 867 000 (саккиз юз олтмиш етти минг) сўмни** ташкил қилади. Қолган тўлов 70% **2 023 000 (икки миллион йигирма уч минг) сўмни** бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширилади.

3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган хужжатлари (лойиҳалаш топшириқлари, техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва шартнома имзолангандан сўнг 30 календар кунида ишларни Буюртмачига топширади;
- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;
- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига топширади;
- Ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;
- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур хужжатларни тақдим этади;
- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;
- Бажарувчи томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;
- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

## V. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.

5.2.Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойиҳалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш–топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.

5.4. Буюртмачи хисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 иш кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади

5.5. Буюртмачи ишни қабул қилишни асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.6. Бажарилаётган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичида хабардор қиладилар.

5.7. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилганда ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, ишларнинг бажарилган қисми учун Буюртмачи Бажарувчига ҳақ тўлайди.

## VI. Томонларнинг жавобгарлиги.

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.
6.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси бажарилган ишни умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
6.3. Бажарувчи ўз вақтида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, белгиланган тартибда олиб борилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бермаса, ишларни топширишни кечиктирган тақдирда, шартнома сўммасининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
6.4. Сифатсиз бажарилган хизмат учун 20% жарима тўланиш керак.
6.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
6.6. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларни ўз хисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

## VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари

7.1.Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

## VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал этолмасалар, низо қонун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон вилояти хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

## IX. Бошқа шартлар

9.1.Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.
9.2.Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбурият пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқланиши керак.
9.3.Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2 нусхада** тузилди.
9.4.Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йил.

## X. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

| БУЮРТМАЧИ | БАЖАРУВЧИ |
|---|---|
| **Андижон вилоят мактабгача таълим бошкармаси** | **«MEGA PROM LOYIHA» МЧЖ** |
| **Андижон шахар Пирмухаммедов кўчаси 1-уй** | **Андижон шахар А.Йўлдошев кўча 6-уй** |
| **Узб.Респ.Молия вазирлиги газначилик булими Марказий банкнинг ХККМ** | **Тошкент ш. “Ўзсаноатқурилишбанки” АТБ бош офиси** |
| **Газна: 23402000300100001010** | **х/р: 2020 8000 1052 6230 3001** |
| **Ш х/р: 401421860034017098602251001** | **МФО: 00440; ИНН: 307513384;** |
| **МФО: 00014; ИНН: 305155088; ОКОНХ: 92400** | **Тел: (97) 346-02-70** |
| | |
| **Бошлиғи: Азимов А.** | **Директор: Ибрагимов З.** |
| | |
| **М.Ў.** | **М.Ў.** |

2022 йил «7» июнь
15/2022 - сонли шартномага

## Шартнома бахосини келишуви

## Б А Ё Н Н О М А С И

Биз қуйида имзо чекувчилар, ушбу баённома **«Буюртмачи»** ва **«Бажарувчи»** деб номланувчи корхоналар номидан ўзъаро ҳисоб–китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Баённомадаги келишилган нарх очиқ ҳисобланиб, қўшимча ишлар пайдо бўлганда қўшимча шартнома тузилади.

| № | Иншоот номи | Курилишнинг умумий киймати. | ЛСХ киймати | экспертиза хулосаси учун | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| | | минг сўм | | | |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| 1 | **Андижон вилоят мактабгача таълим бошқармасининг ер тўла қисмини жорий таъмирлаш учун лойиҳа смета тайёрлаш.** | | **2 890,0** | | **2 890,0** |

Шартноманинг умумий киймати **2 890 000 (Икки миллион саккиз юз тўқсон минг) сўм.**

| **БУЮРТМАЧИ** | **БАЖАРУВЧИ** |
|---|---|
| **Андижон вилоят мактабгача таълим бошкармаси** | **«MEGA PROM LOYIHA» МЧЖ** |
| **Андижон шахар Пирмухаммедов кўчаси 1-уй** | **Андижон шахар А.Йўлдошев кўчаси 6-уй** |
| **Узб.Респ.Молия вазирлиги газначилик булими Марказий банкнинг ХККМ** | **Тошкент ш. “Ўзсаноатқурилишбанки” АТБ бош офиси** |
| **Газна: 23402000300100001010** | **х/р: 2020 8000 1052 6230 3001** |
| **Ш х/р: 401421860034017098602251001** | **МФО: 00440; ИНН: 307513384;** |
| **МФО: 00014; ИНН: 305155088; ОКОНХ: 92400** | **Тел: (97) 346-02-70** |
| | |
| **Бошлиги:** **Азимов А.** | **Директор:** **Ибрагимов З.** |
| | |
| **М.Ў.** | **М.Ў.** |

"TASDIQLAYMAN"
Andijon viloyat Maktabgacha ta'lim
boshqarmasi boshlig'i
_______ A.Azimov
"___" ________ 2022y.

ANDIJON VILOYATI MAKTABGACHA TA`LIM BOSHQARMASI YER TO`LA QISMINI
JORIY TA`MIRLASH ISHLARI BO`YICHA

# NUQSON DALOLATNOMASI

Biz, quyida imzo qo`yib tasdiqlovchilar, komissiya a`zolari: Andijon viloyati maktabgacha ta`lim boshqarmasi vakillari va "MEGA PROM LOYIHA" MCHJ vakili mazkur dalolatnomani tuzdik, shu to'g'risidaki vizual tekshirish va instrumental o'lchashlar natijasida quyidagi ish turlari va hajmlari aniqlandi:

| № | Ish turlarining nomi | O`lchov birligi | Hajmi |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | **Ichki pardozlash ishlari** | | |
| 1 | G'ishtli devorlarni buzish | m3 | 1,15 |
| 2 | Yog'och eshik bloklarini demontaj qilish | dona/m2 | 9/23,2 |
| 3 | Yog'ochli fortochkani buzish | dona/m2 | 8/9,6 |
| 4 | Metall quvurlarni demontaj qilish Ø108x4mm | m/tn | 29/0,309 |
| 5 | Metall quvurlarni o'rnatish Ø108x4mm | m/tn | 12/0,128 |
| 6 | PVX.dan fortochka o'rnatish | dona/m2 | 8/9,6 |
| 7 | PVX.dan eshik bloklarini o'rnatish | dona/m2 | 5/16,8 |
| 8 | MDF.dan eshik bloklarini o'rnatish | dona/m2 | 6/13,6 |
| 9 | Cho'zilgan shift moslamasi o'rnatish (натяжной) | m2 | 82 |
| 10 | Shift yuzasini gipsokarton bilan qoplash yog'och obreshetkasi bilan | m2 | 200 |
| 11 | Devor yuzasini gipsokarton bilan qoplash obreshetkasi bilan | m2/m3 | 113 / 45 |
| 12 | Shift yuzasini quruq gips bilan tekislash | m2 | 200 |
| 13 | Devor yuzasini quruq gips bilan tekislash | m2 | 154 |
| 14 | Otkos yuzasini quruq gips bilan tekislash | m2 | 28 |
| 15 | Shift yuzasini emulsiyalash 2 marta | m2 | 200 |
| 16 | Devor yuzasini emulsiyalash 2 marta | m2 | 626 |
| 17 | Otkoslarni moyli bo'yoqlash | m2 | 28 |
| 18 | Betondan pol qoplamasini qurish qalinligi 5sm | m2 | 286 |
| 19 | O'z-o'zidan tekislanadigan pollar (наливной пол) | m2 | 200 |
| 20 | Laminatdan pol o'rnatish | m2 | 200 |
| 21 | Plastikdan chashpak o'rnatish | m | 145 |
| 22 | Pol yuzasiga keramik plitkalar o'rnatish | m2 | 86 |
| 23 | Keramikdan chashpak o'rnatish | m | 72 |
| | **Tashqi pardozlash ishlari** | | |
| 24 | Shiferli kozirokni demontaj qilish | m2 | 10,7 |
| 25 | Metall konstruksiyalarni demontaj qilish | tn | 0,1 |
| | - kvadrat temirdan ustun o'rnatish, o'lchami 60x60x3,5mm | tn | 0,066 |
| | - temir profil o'rnatish, o'lchami 60x40x3,0mm | tn | 0,069 |
| | - temir panjaralarni o'rnatish, o'lchami 50x30x2,0mm | m | 15 |
| 26 | Metall elementlarni o'rnatish | tn | 0,022 |
| 27 | Metall yuzalarini moyli bo'yash 2 marta | m2 | 10 |
| 28 | Leksan tipidagi tom yopish ishlari | m2 | 12,4 |
| 29 | Betondan zinapoya qurish B-7,5 | m3 | 0,5 |
| 30 | Pol va zina yuzasiga keramogranit plitkalar o'rnatish | m2 | 8 |
| 31 | Devor yuzasiga keramogranit plitkalar o'rnatish | m2 | 6,5 |
| 32 | G'ishtli devorlarni buzish | m3 | 7,2 |
| 33 | G'ishtdan devor qurish ishlari | m3 | 3,2 |
| 34 | Yuqori qismlarga ega bo'lgan temir darvoza o'rnatish | m2 | 16 |
| 35 | Devor ustiga galvanizli po'latdan kozirok o'rnatish | m2 | 4,2 |

Buyurtmachi vakillari: Б. Узгинов
К. Маматов